



Шариати исломия хаётнинг барча жихатларига ўзининг эътиборини қаратган, ўзининг асосли ва қоникарли ҳукмини баён қилган буюқ таълимотлар мажмуидир. Ана шундай таълимотлар орасида касалликларга шифо топиш максадида харом нарсадан, харом махсулотлардан истеъмол қилиш масаласининг жоиз ёки ножоизлиги ҳам бор бўлиб, бу ҳақида алоҳида шаръий ҳукмлар баён қилинган.

Халқ орасида баъзи қимсаларнинг "шифо учун", деб шариат харом қилган нарсалардан бемалол истеъмол қилаётганларини кўриб ёки эшитиб қоламиз. Жумладан, улар шифо ниятида арок ичадилар, шифо ниятида бўрсик ёки ит ёгини ёхуд қорадорини истеъмол қиладилар. Айримлар эса "табиблар айтса, харомни ишлатиш мумкин", деган фикр билан шифокор ва халқ орасидаги табиблар фикрига суяниб, харомни истеъмол қилиш жоизлигини айтадилар. Бошқа бировлар эса "харомдан шифо бўлмайди" деган қарашда қатъий турадилар.

Биз ушбу фикрларнинг қанчалик тўғрилигини текшириб, бу борадаги шаръий ҳукмларни бирма-бир ўрганиб чиқишга ҳаракат қилиб кўрамыз.

Билиб қўйиш ўринлики, харомни шифо максадида истеъмол қилишнинг жоиз ёки ножоизлиги борасида ислом уламолари уч хил фикрга бўлинганлар:

1) Ғўшти ейиладиган ҳайвонлар – туя, қорамол, қўй қабиларнинг сийдиги мутлақо пок. Ато ибн Абу Рабоҳ, Иброҳим ан-Нахаъий, Имом Молик, Исҳоқ ибн Роҳвайх, Аҳмад ибн Ханбал ва ханафийлардан Муҳаммад ибн ал-Ҳасан аш-Шайбоний ва Имом Зуфар, шофиъийлардан эса ал-Истаҳрий ва ар-Рўёний қабилар бу фикрга қелганлар. Бунга қуйида баён этиладиган "Урайналиқлар ҳадиси" далил қилинган. Зоҳирийлар, жумладан, Ибн Ҳазм ҳамда Ибн Таймия шу фикрни қўллаб-қувватлаганлар. Тобеъин ва салафи солиҳлардан аш-Шаъбий, Ато, ан-Нахаъий, аз-Зухрий, Ибн Сирин, Хақам, ас-Саврий қабилар ҳам шу фикрда бўлганлар.

2) Сийдик ва шунга ўхшашлар аслида харом ва нажас, бироқ уларни шифо максадида ишлатиш мутлақо жоиз. Яъни, инсон шифо истаса, уни ишлатавериши мумкин, бировнинг, масалан, шифокорнинг фикрига асосланиши шарт эмас. Бу фикрга Имом Шофиъий, Абу Савр ва ханафийлардан Абу Юсуф қелган. Имом Аҳмад бир гапида ушбу

фикрга ҳам кўшилган. Бу фикхий карашга сийдикдан сакланиш хакидаги катъий ва умумий маънодаги хадислар ва "Урайналиклар хадиси" далил килинган.

3) Сийдик ва шунга ўхшашлар аслида харом ва нажас, уни шифо максадида ҳам истеъмом килиш асло мумкин эмас. Бу Абу Ханифа Имом Аъзамнинг фикхий карашидир. Бирок, унинг фикрича, изтирор бўлганида, хозик табиб ва шифокорнинг катъий ва кафолатли кўрсатмаси билан уни шифо максадида истеъмом килиш жоиз. Бунга куйида баён этиладиган сийдикдан сакланиш хакидаги катъий ва умумий маънодаги хадислар ва Куръони каримнинг "изтирор ояти" далил килинган. Оятга кўра, ўлим холати хавфи бўлганда, харомни истеъмом килиш мумкин. Абу Ханифанинг фикри аклий ва наклий далилларга мувофиқдир!

Гўшти ейладиган хайвонларнинг сийдиги мутлако халол ва улардан шифо исташ мумкинлиги борасидаги фикрнинг далили "Урайналиклар хадиси"дир. Урайна кабиласидан тўрт нафар кимса ва уларга кўшилиб Укл кабиласидан уч нафар кимса, жами етти нафар киши Мадинага Расулulloх (с.а.в.)нинг хузурларига келган. Бир муддат турганларидан кейин ушбу кимсаларга Мадинанинг хавоси ёкмасдан, касал бўлиб колганлар. Шунда Расулulloх (с.а.в.) уларни закотдан тушган ва бошка туялар бокилаётган жойга жўнатганлар ва уларга:

□□□□□□□□ □□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□

"Туяларнинг сутларидан ва сийдикларидан ичинглар!" деганлар (Бухорий, 2/1501; Муслим, 3/1671; Термизий, 1/72; 4/1845; Насоий, 2/3491-3493; Ибн Можжа, 3/3503; Байхакий, 9/17827; Доракутний, 1/487; Ахмад, 3/14093; Имом Термизий уни "хасани сахих" деган).

Бунга кўшимча равишда Расулulloх (с.а.в.)нинг ушбу хадиси шарифлари далил сифатида келтирилиши мумкин:

□□□□□□ □□□□□□ □□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□

"Гўшти ейладиган нарсанинг сийдигининг зарари йўк!" (Доракутний, 1/470-471; Байхакий, 1/1234).

□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□

"Гўшти ейладиган нарсанинг колдигининг зарари йўк!" (Доракутний, 1/472; Байхакий, 1/1234; 2/3950-3951).

Иброхим ан-Нахаъий ҳамда Ато ибн Абу Рабох бундай дердилар:

□□□□□ □□□ □□□ □□□□ □□□ □□

"Гўшти ейладиган нарсанинг сийдигининг зарари йўк!" (Бухорий, "Таърих ал-кабир, 6/3066; Ибн Абу Шайба, 1/1248; Абдурраззок, 1/1481; Таховий, 1/659).

биринчисиди тахоратнинг биринчисидан сўрок бўлиб ўтади. Бунга далил сифатида “Мўъжам ат-Табароний”даги ушбу хадиси шарифни келтириш мумкин:

□□□□□ □□ □□□□□ □□ □□□□□ □□ □□□ □□□□ □□□□□ □□□□□

“Сийдикдан сакланинглари, чунки кабрда банди энг аввал ундан хисоб-китоб килинади” (Табароний, 8/7605).

Бошқа хадиси шарифда Расулulloх (с.а.в.) бундай деб мархамат килганлар:

□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□□□ □□□□ □□□□□□□□□□□□

“Сийдикдан покланинглари, чунки кабр азобининг кўпчилиги ундандир!” (Хоким, 1/654; Доракутний, 1/469; Табароний, 11/11104; Таховий, “Мушкил ал-асор”, 11/4518).

Юкоридаги хадиси шарифлар сийдикнинг харомлигини тасдиқлайди. Бирок, айнан гўшти ейладиган хайвонларнинг сийдиги борасида факихлар орасида аввалдан ихтилоф бўлгани боис Абу Ханифа уни нажосатларнинг “нажосати хафифа” – “енгил нажосат” турига киритади (Бу хакида матн китобларига қаранг: Абу-л-Хасан Ахмад ибн Муҳаммад ал-Кудурий. Мухтасар ал-Кудурий. – Козон, 1916. – Б. 7; Убайдуллох ибн Масъуд ибн Тоҳ аш-шариъа. Мухтасар ал-Викоя. – Козон, 1911. – Б. 9).

Гарчи сийдик харом бўлса ҳам шифо максадида ундан фойдаланиш мумкинлигига юкорида келтирилган “Урайналиклар хадиси” далил бўлади. Унда Расулulloх (с.а.в.) касалларга шифо максадида туянинг сийдигини ичишни буюрганлар. Ибн Хажар Аскалоний ҳам ушбу фикрга мойиллик билдириб, Ибн ал-Мунзирнинг машхур саҳоба Ибн Аббос (р.а.) томонидан марфуъ хадис ривоят қилганини зикр қилган (Ибн Хажар Аскалоний. Фатх ал-Борий. 1-жилд. – Мадина: Мактабат ас-салафия, 1390. – Б. 339):

□□□□□□ □□□□□□ □□□□ (□□□□□□□□ □ □□□□□ □□□□□ □□ □□) □□□□□□ □□□□□□ □□ □□□

“Туянинг сутлари ва сийдикларида меъда бузилиши учун шифо бор!”. Уни Имом Ахмад ва Табароний ҳам ривоят қилганлар (Табароний, 12/12986; Ахмад, 1/2677).

Табибларнинг буюк устози Абу Али ибн Сино ҳам туянинг сути ва сийдигида бир қанча касалликларга шифо борлигини кўрсатиб кетган (Батафсил қаранг: Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари. II китоб. Иккинчи нашри. – Т.: Фан, 1982. – Б. 154-156; 364-367). Абу Али ибн Синонинг айтишича, туя сути меъда учун фойдали; тикилмаларни ҳосил қилмайди; коринда бошқа сутларга нисбатан камрок ивийди; туя сути баданда оқ доғларни ҳосил қилмайди; у нафас қисшига ва иситмага фойда қилади; туя сути сарик касалига фойдали; туя сути талок ва жигардаги кўпгина касалликларга фойда қилади; у жигарни хўллайди; туя сути истиско учун жуда фойдали, айниқса уни ургочи араб туясининг сийдиги билан кўшиб ичилса, иштахани оширади ва чанкатади, ични юмшатади; сийдикларнинг энг фойдалиси асл туялардан хисобланган араб туясининг сийдигидир; бошнинг кепакланганига туя сийдиги билан ювиш фойда қилади, бука сийдиги билан ювиш ҳам шундай; одам ва туя сийдиклари, айниқса, сут бериб турган туянинг сийдиги

билан биргаликда ишлатилгани, истиско ва талокнинг каттиклашганига фойда килади.

"Урайналиклар хадиси"да Расулulloх (с.а.в.)нинг сийдик ичишга буюришлари уни ким қачон хохласа ичаверишига эмас, балки махоратли хозик табибнинг кўрсатмасига биноан дори сифатида кўллашга, масалан баданга суртишга ишора бўлишининг эҳтимоли бор. Бунда арокнинг шифо ниятида ишлатилишига ҳам далил бор. Аллох таоло арокда манфаатлар борлигини айтган:

{} {219} {}

"Сиздан арок (ичкилик) ва кимор хакида сўрайдилар. Айтинг: «Буларда катта гуноҳ ва одамлар учун фойдалар бор. Буларнинг гуноҳи фойдасидан каттарокдир" (Бақара, 219).

Арокдаги ёки сийдикдаги манфаатлардан бири уни касалликларда баданга суртиш ила амалга оширилиши ҳам мумкинлигидир.

Абу Али ибн Сино "Тиб конунлари" асарида: "Одам сийдигини ток кули билан кўшиб, кон оқиб турган ерга кўйилса, конни тўхтатади; сийдик теридаги доғни кетказади; тери шилинишига, кичима ва песга фойда килади; одам сийдигининг эскиргани кулоқдан йиринг оқишини тўхтатади; эшакнинг сийдиги буйрак огригига даво бўлади; одам сийдигининг эскиргани ҳамма захарларга қарши тура олади; окма тешиқларни, шунингдек, "сутли яра"ларни шароб билан ювилса ҳам фойда беради; асалли шароб бачадон огрикларига фойда килади; эски шароб билан ювиниш ҳамма газандаларнинг чакканига фойдалидир", қаби даво турларини ёзиб қолдирган (Абу Али ибн Сино. Тиб конунлари. II китоб. Иккинчи нашри. – Т.: Фан, 1982. – Б. 154-156; 604-605).

Ибн Обидийн "Радд ул-мухтор" асарида буюқ факих Бурхониддин ал-Маргинонийнинг "ат-Тажнис ва-л-мазид" асаридан "Агар "Сураи фотиха"ни кон билан ёзилса, ёки сийдик билан ёзишга тўгри келса, шифо максади учун жоиз. (Бурундан кон келиши тўхтамас, пешонага бурун қони билан "Сураи фотиха"ни ёзиш уни тўхтатиши тажрибада кўрилган экан). Лекин бу ўтган уламолардан нақл қилинмаган. Шифо ниятида харомлик соқит бўлиши ўлиб қилиш мумкин бўлган очлик ва чанқоклик вақтида ўлмагудек миқдорда арок ёки ўлимтикни ейишнинг жоиз эканидан қелиб чиқади" дейилганини зикр қилиб қелтирган (Ибн Обидин. Ар-Радд ал-мухтор. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 365).

Ибн Обидиннинг "Сураи фотиха"ни кон билан ёзиш ўтган уламолардан нақл қилинмаган, деган гапига қўшимча қилиб, кейинги даврларда ҳам бу ишни ҳеч қим қилмаганлигини, уни қилиш сеҳр ва фолбинликнинг бир тури бўлгани боис асло мумкин эмаслигини таъкидлаш лозим.

Юқоридаги оят мазмунида арокнинг бир нави фойдаси борлиги мулоҳазасидан қелиб чиқиб, ҳозирги давр уламоларининг тиббий максадларда махсус спиртни баданга суртишнинг жоиз эканлигига берган қатволарига қўшилиш керак бўлади.

Абу Юсуфнинг Абу Ханифадан килган ривоятига караганда, бармок жарохатланганда ўт ёки ўт пуфагини унга боглаб кўйиш жоиз (Бурхониддин ал-Бухорий. Мухит ал-бурхоний. www.almeshkat.net/books/1/234).

Харом нарсалардан шифо талаб килиш мумкин эмаслиги борасидаги Имом Абу Ханифанинг фикрига сийдикдан сакланиш хакидаги хадиси шарифлар далолат килади. Улар катъий бўлиб, у барча сийдик турларини камраб олади. Инсоннинг сийдиги, жами хайвонлар сийдиги шулар жумласидандир. Шунинг учун Ибн Нужайм ал-Мисрий "Бахр ар-роик" ҳамда Имом ал-Хаскафийнинг "Дурр ал-мухтор" асарларида ханафийликнинг зохири мазхабига кўра гўшти ейиладиган хайвонларнинг сийдиги харомлиги боис харом нарсани даво сифатида кўллаш мутлако жоиз эмас, дейилган (Ибн Нужайм ал-Мисрий. Бахр ар-роик. 3-жилд. – Байрут: Илмия, 1300. – Б. 239; Мухаммад ибн Али ал-Хаскафий. Дурр ал-мухтор. 1-жилд. ("Радд ул-мухтор" билан бирга). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 365).

Зотан, Расулуллох (с.а.в.) харомдан даво истамасликни буюриб, бундай деб мархамат килганлар:

«.....»

"Шак йўкки, Аллох дард ва давони туширган ва хар бир дард учун даво ҳам килган. Бас, даволанинглари, лекин харом билан даволанманглари!" (Абу Довуд, 4/3876; Байхакий, "ас-Сунан ал-кубро", 10/19465; "ас-Сунан ас-сугро", 3/4326; Табризий, "Мишкот ал-масобих", 2/4538).

Бу фикр эгаларининг "Урайналиклар хадиси" борасида бир нечта жавоблари бор:

1) Урайналиклар хижратнинг олтинчи йили жумодий ал-охир ёки шаввол ёки зулкаъда ойларида Мадинада бўлган бўлиб, сийдикдан сакланиш хакидаги хадислар ушбу воқеадан сўнг ворид бўлган. Яъни, сийдикдан сакланиш хакидаги хадислар "Урайналиклар хадиси"ни мансух килади. Ибтидоий исломда хатто итларнинг масжидларга кириб юраверишлари, масжидга сийиб, булгаб кетишлари ҳам мумкин бўлган. Жумладан, Абдуллох ибн Умар (р.а.)нинг бундай деган хабари бор:

«.....»

"Расулуллох (с.а.в.)нинг замонида итлар масжидга сийиб кетар, у ёқдан бу ёққа бориб-келиб юришаверарди. Унга ҳеч бир нарса куйиб, тозалаб ўтирмасдилар (Бухорий, 1/172; Байхакий, 2/4041). Кейинчалик масжидларни озода саклаш ҳамда итларнинг харом килиниши натижасида бу нарса катъий таъкикланган.

2) "Урайналиклар хадиси"да айнан ичиш назарда тутилаётгани йўқ. Чунки, одатда икки феълни бирданига айтилмокчи бўлса, уларнинг биринчиси тилга олинади,

"Арок даво эмас, у дарддир!" (Муслим, 3/1984; Ахмад, 4/18882; Таховий, 1/650).

□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□□ □□□□

"Албатта шароб даво эмас, биров, у дарддир!" (Термизий, 4/2046; Абу Довуд, 4/3875; Доримий, 2/2148; Табароний, 22/15; Байхакий, 10/19460; Ибн Хиббон, 4/1390; Хоким, 7/8260; Баззор, 2/4473).

Мазкур маънодаги хадисларда гап факат арок устида кетаётгани боис Имом Таховий ва Имом Байхакий арокдан умуман ва мутлако шифо талаб килиб бўлмади, деган қарорга келганлар (Абу Жаъфар ат-Таховий. Шарх маоний ал-асор. 1-жилд. – Б. 109; Байхакий, "ал-Одоб", 1/703).

Шунинг учун ҳам Ойша онамиз (р.а.) айнан арокдан даво иташдан қайтарган эдилар (Абдурраззок, 19/17099) ва "Эй, Аллохим, арок билан шифо итаган беморга шифо бермагин!" дея дуои бад қилгандилар (Таховий, 1/653).

Ханафий олими Имом ал-Хамавий чўчка гўштини ҳам шифо ниятида истеъмол килиш агар уни шифо десалар ҳам мутлако жоиз эмас, деган (Иктибос бундан: Ибн Обидин. Ар-Радд ал-мухтор. 1-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 366).

Илон гўшти шариатимизда харом экани кўпчиликка маълум. Демак, унинг савдоси ҳам харом. Биров, Абу-л-Лайс ас-Самарқандий илонларни дори сифатида фойдаланиш максалида сотиш ва илон гўштини ишлатиш жоиз, деган. Аммо, таъқидлаш керакки, Абу Бакр Косоний ўзининг машхур "Бадойеъ ус-санойеъ фий тартиб аш-шаройеъ" асарида: "Илон шаръан харом бўлгани боис уни даво сифатида ишлатиш жоиз эмас. Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг жоиз деган гапи тўғри эмас. Чунки, у арок каби даво эмас, дарддир. Демак, илонни сотишга ҳам эҳтиёж йўқ" деган (Алоуддин Абу Бакр ибн Масъуд ал-Косоний. Бадойеъ ус-санойеъ фий тартиб аш-шаройеъ. 5-жилд. – Байрут: ал-Мактабат ал-илмия, (йили кўрсатилмаган). – Б. 144; Мухаммад ибн Али ал-Хаскафий. Дурр ал-мухтор. 7-жилд. ("Радд ул-мухтор" билан бирга). – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 480).

Ибн Обидин кўз огригига номахрам чўрининг сутини ишлатиш борасида икки хил фикхий қараш борлиги, улардан бири мутлако жоиз эмаслиги борасида эканини зикр қилган (Ибн Обидин. Ар-Радд ал-мухтор. 7-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 264).

Саҳих ривоятда айтилишича, бир табиб Расулуллох (с.а.в.)дан қурбака, бакани даво сифатида ишлатиш ҳукми борасида сўраганида, ул зоти шариф ундан қайтарган эдилар:

□□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ -□□□□ □□□□ □□□□ □□□□ - □□□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ -□□□□ □□□□ □□□□ □□□□ - □□□□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□□□ □□□□

"Бир табиб Расулуллох (с.а.в.)дан қурбака тўғрисида даво сифатида ишлатиш жоизми, деб сўради. Расулуллох (с.а.в.) уни ўлдиришдан қайтардилар" (Абу Довуд, 4/3873;

Байхакий, 9/18783; Ахмад, 3/16113).

Демак, Абу Ханифанинг фатвосига далил бўлган хадиси шарифларга кўра сийдик, арок ва бошка харом нарсалардан даво иташ асло жоиз эмас!

Хозик табибнинг кўрсатмасига кўра харом нарсдан шифо максадида фойдаланиш мумкинлигига "изтироп ояти" далил бўлади. Ихтиёр ҳолатида харомни истеъмом килиш асло мумкин эмас. Оятга кўра, мажбур ва зарурат вақтидагина харом нарсани истеъмом килиш мумкин:

{} {119} {}

"Аллохнинг номи зикр килинган нарсалардан нима учун емас экансизлар?! Ахир У сизларга харом килинган нарсаларни муфассал баён килган-ку, Магар музтар бўлиб колган холингиздагина (у нарсалардан ейишингиз мумкин). Шубхасиз, кўп (кишилар) ўз хою хаваслари билан билмаган холларида (ўзларини) йўлдан оздирурлар. Албатта, Парвардигорингиз бундай тажовузкор кимсаларни жуда яхши билгувчидир" (Анъом, 119).

Ўлимтикни ва чўчка гўштини мазкур ояти каримада айтилганидек зарурат вақтида истеъмом килинишига Куръони карим рухсат берган. Жумладан, куйидаги ояти каримлар ҳам шу хакидадир:

{} {173} {}

"У сизларга факатгина ўлакса, конни, тўнгиз гўштини ва Аллохдан ўзгага аталиб сўйилган нарсаларнигина харом килди. Энди кимки золим ва хаддан ошмаган холида ночор вазиятда колса гунохкор бўлмайди. Албатта Аллох магфират килгувчи, рахмлидир" (Бакара, 173).

{} {3} {}

"Бас, кимки очарчиликда, гунох томонга огмаган холида (мазкур харом килинган нарсаларни ейишга) мажбур бўлса (Оллох кечирар). Зеро, Оллох магфиратли, меҳрибондир" (Моида, 3).

Юкоридаги учта ояти каримага кўра зарурат вақтида харом нарсани истеъмом килиш мумкин. Очлик вақтида, жонни асраш максадида хожат микдорида харомни истеъмом килишга рухсат берилган (Мулла Жеван. Ат-Тафсирот ал-Ахмадийя. – Козон, 1323. – Б. 36).

Шунинг учун Имом Абу Ханифа касалликка харомдан бошка шифо бўлмайдиган бўлса, хозик табиб мазкур харом муайян бир касалликка шифо бўлишига кафил бўлса, унда зарурат бўлгани боис харомни истеъмол килиш жоиз, деган. Бунда хозик табиб тажрибасининг аксар вақти, гумонининг голиби эътиборга олинади.

Ханафийликнинг "ан-Нихоя", "ал-Хония" фатво тўпламларида юкоридаги ҳолатларда харомдан зарурат бўлган вақтда истеъмол килиш жоиз, дейилгани "Бахр ар-роик", "Радд ал-мухтор" асарларида келтириб ўтилган (Ибн Обидин. Ар-Радд ал-мухтор. 7-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б. 264; Ибн Нужайм ал-Мисрий. Бахр ар-роик. 3-жилд. – Байрут: Илмия, 1300. – Б. 239).

Зотан, харом нарсаларга зарурат вақтида ижозат берилишига куйидагиларни ҳам мисол келтириш мумкин:

1) Эркакларга ипак кийими кийиш харом бўлгани билан уни бурга кўпайиб кетган вақтларда, кичима ва кўтир касалликларида кийиш мумкин экан. Чунки, ипак кийимлар бургани ва кичимани йўкотар экан (Ибн Нужайм ал-Мисрий. Ал-Ашбох ва-н-назоир. – Миср: Водий ан-Нил, 1289. – Б. 159).

2) Каттик совук бўлиб, бошка кийим топилмаган вақтда ипак кийим кийиш мумкин. Шунинг учун Имом Таховий айрим иллатларга шифо бўлгани боис зарурат вақтида харом килинган ипакнинг мувоҳага айланиши мумкинлигини қайд қилган ва зарурат вақтида сийдикдан ҳам шифо исташ шу қабилдадир, деган (Абу Жаъфар ат-Таховий. Шарх маоний ал-асор. 1-жилд. – Байрут: Олам ал-кутуб, 1994. – Б. 109).

3) Кўз огригида кўзга ипак боғлаш ҳам нафъ берар экан, бу ҳолатда уни ишлатиш жоиз (Шамсиддин Кўхистоний. Жомеъ ар-румуз. 2-жилд. – Козон, 1902. – Б. 303).

4) Олтин ҳам эркакларга харом, бироқ, тиш тушганда олтиндан коплатиш жоиз. Чунки, кумуш ёки бошка металллар огиз сасишига олиб келиши мумкин (Бурхониддин ал-Маргиноний. Ал-Хидоя. 4-жилд. – Дехли: Форукий, 1327. – Б. 441).

Имом Абу Ханифа зарурат вақтида касалликда харомни истеъмол килишнинг жоиз бўлиши учун хозик табибнинг кўрсатмасини шарт қилиб қўйган. Хозик табибнинг кимлиги ва қандай бўлиши борасида мазҳаб доирасида турлича фикрлар бор. Хозик табибнинг фикри рўза тутса, касаллиги кучайиб кетиш хавфи бўлганда, рўзани очиш учун ҳам инобатга олиниши фикхий манбаларда ўз аксини топган. Бу ҳолатда табиб мусулмон, фосиклиги мастур (яширин), адолатли бўлиши шарт қилинган. "Бахр ар-роик" ва "Нахр ал-фоик"да кофир табибларга ҳам ишониб даволатиш мумкинлигидан келиб чиқиб, унинг мусулмон бўлиши шарт эмас, уларнинг ибодатни ботил қилиш нияти бўлмаса, тиббий маслаҳатига амал қилиш мумкин, дейилган. Бироқ, "Радд ул-мухтор"да ушбу фикрга қўшилилмаган (Каранг: Ибн Обидин. Ар-Радд ал-мухтор. 3-жилд. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмия, 2003. – Б.404).

Хозик табиб деганда ўз ишига махоратли, ўз юртида тан олинган, муайян тажрибага эга, бугунги кун тили билан айтганда, профессор, фан доктори ёки фан номзоди бўлган,

олий тоифали шифокор бўлиши шартдир. Шунингдек, у фосик бўлмаслиги, яъни диний шаръий хукмлар ва амалларни ошкора инкор килувчи бўлмаслиги лозим. Шариатдаги харом ва халолни билувчи ҳам бўлиши керак. Яъни, шариатда харом дейилган нарсаларни охирги чора сифатида ишлатиш лозимлигини яхши англамоги даркор. Акс холда, халол нарса бўлса ҳам харомни тавсия килиши мумкин.

Хуллас, махоратли шифокорнинг фикри инобатга олиниши учун у куйидаги катъий фикрларнинг бирига келган бўлиши лозим:

- 1) Шифокор муайян шаръан харом нарсада даво бор, ундан бошка давоси йўқ ёки ундан бошка давоси колмади, дейиши керак.
- 2) Шифокорнинг кафолати ўз тажрибасидан келиб чиккан ва харомни истеъмом килинганда касаллик тузалишига гумони голиб бўлган бўлиши керак.
- 3) Шифокор: "Мана шу харомни истеъмом килсангиз, касалингиз тузалиши тезлашади", деса, унда икки хил фатво бор: истеъмоли жоиз ва ножоиз.

Хулоса шуки, Имом Шофиъий таъбири билан айтганда, "ислом оламининг жами факихлари унинг бокимандалари" бўлган зот – буюк факих Абу Ханифа Имом Аъзамнинг фикхий карашига кўра харомдан тўғридан-тўғри шифо ниятида фойдаланиш асло жоиз эмас. Инсон ўзича шифо экан, деб харомни истеъмом килавермайди. У ўз юртида тан олинган махоратли шифокор билан маслахатлашади. Бу фатвога асосли ва сахих далиллар етарлидир. Охирги чора сифатида, ўлим хавфи тугилганда, касалликнинг кучайиб кетиши хавфи бўлганда, махоратли шифокорнинг ишончли катъий кўрсатмасига биноан зарурат микдорида харомдан шифо ниятида фойдаланиш мумкин бўлади. Бунга "изтирор ояти" далил бўлади. Харомни истеъмом килгандан кейин касаллик чекина бошлаши билан, бошка халол дорилар наф берадиган бўлса, энди дархол харомни тўхтатилади ва халол дориларни ишлатишга ўтилади.

Иложи борича харомдан фойдаланмасликка, халол йўл билан килинган барча чораларни кўришга ҳаракат килиш лозим. Зотан, зарра микдори харомдан сакланиш бутун дунё ибодатидан яхшироқдир!

Хамидуллох Беруний